

Вобкент туман Давлат хизматлари
агентлиги томонидан
2024 йил “ 03 ” 12
2654627 -сон реестр рақами билан

“РЎЙХАТГА ОЛИНГАН”

Жамият иштирокчиларининг
навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2024 йил “ 29 ” ноябрь
- сон баённомаси
билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“BUXORO AGROKLAster”
mas’uliyati cheklangan jamiyatining
Ta’sis shartnomasi**

(янги таҳрирда)

“BUXORO AGROKLASTER” MAS’ULIYATI ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИНИНГ ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ

Бундан буён биргаликда “Иштирокчилар”, деб номланувчи қуйидаги шахслар:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Бухоро вилояти худудий бошқармаси;

- “Бухоро глобал мега текс” МЧЖ;

- “Карвон” ф/х;

- Нафетдинов Шавкатулло Шукурович;

- Саломова Мохира Холиқовна;

- Тўраев Азизбек Ботирович;

- Иноятлов Ахмад Азизович;

- Нафетдинов Комилжон Шавкатуллоевич.

Бундан буён “Иштирокчилар” деб номланувчилар ушбу Таъсис шартномасини (бундан буён матнда “Шартнома” деб юритилади) қуйидагилар тўғрисида имзоладилар:

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мас’улияти чекланган жамияти (бундан буён матнда “Жамият” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва “Мас’улияти чекланган ҳамда қўшимча мас’улиятли жамиятлар тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ташкил этилган.

1.2. Жамиятнинг тўлиқ расмий номи:

Давлат тилида - “BUXORO AGROKLASTER” mas’uliyati cheklangan jamiyati, қисқача номланиши - “BUXORO AGROKLASTER” MCHJ;

Рус тилида - общество с ограниченной ответственностью “BUXORO AGROKLASTER”, краткое наименование – ООО “BUXORO AGROKLASTER”;

1.3. Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси, Бухоро вилоят, Вобкент тумани, Беруний кўчаси 34-уй.

1.4. Жамият чекланмаган муддатга ташкил этилади.

2. ЖАМИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШДАН МАҚСАД ВА ФАОЛИЯТ ТУРЛАРИ

2.1. Жамиятни ташкил этишдан асосий мақсад қишлоқ хўжалигида таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш, пахта хомашёси етиштиришнинг самарали усуллари жорий қилиш, уруғлик материал ишлаб чиқариш, уни қайта ишлаш ва тайёрлаш, бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, шу жумладан чуқур қайта ишлаш асосида уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, Ўзбекистон иқтисодиётига янги ишлаб чиқариш технологияларини тадбиқ қилиш, ички бозорни халқ истеъмоли товарлари билан тўлдириш, шунингдек турли хил тижорат хизматларини кўрсатиш, натижада таъсисчилар манфаатлари учун фойда олиш. Жамият фаолиятининг асосий мақсадлари:

- соф фойда олиш;

- Жамият фаолиятининг самарали бўлишини таъминлаш;

- Жамият иштирокчилари манфаатларига зарар етказмаслик.

2.2. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари:

пахта хомашёси ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришнинг илғор илмий ютуқлари, замонавий ва самарали усуллари жорий қилиш;

пахта хомашёсига бирламчи ишлов беришнинг самарали ва юқори рентабелли усуллари, шунингдек, чуқур қайта ишлаш технологияларини жорий қилиш;

пахта чигити ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғларини давлат ва халқаро стандартлар талабларига мувофиқ ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва сотиш;

пахта хомашёси ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш жараёнига илғор агротехник ҳамда сув тежайдиган технологияларни жорий қилиш;

тўғридан-тўғри, шу жумладан хорижий инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтларининг кредитларини жалб қилиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги хомашёсини чуқур қайта ишлаш ва рақобатбардош, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

етиштириладиган пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг сифати ҳамда миқдорини ҳисобга олиш ва назорат қилиш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;

илмий ва таълим муассасалари билан биргаликда селекция ҳамда уруғчилик соҳасида тадқиқотлар ўтказиш, қишлоқ хўжалиги экинларининг янги навлари ва дурагайларини, шунингдек, пахта хомашёсини бирламчи қайта ишлаш технологияларини яратиш.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тақиқланмаган бошқа ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш.

2.3 Айрим фаолият турларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида махсус рухсатнома (лицензия) орқали амалга ошириш талаб этилган тақдирда, Жамият махсус рухсатномаси мавжуд бўлгандагина шуғулланиши мумкин.

3. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ ФОНДИ

3.1. Жамиятнинг ташкил этилиши ва фаолиятини амалга ошириши учун иштирокчилар 58 096 294 207,05 (эллик саккиз миллиард тўқсон олти миллион икки юз тўқсон тўрт минг икки юз етти сўм беш тийин) сўм миқдорида устав фонди ташкил этилади.

Иштирокчиларнинг устав фондидаги улушлари куйидагича:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги	
Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси	- 99,318 фоиз ёки 57 699 981 641,33 сўм.
- “Бухоро глобал мега текс” МЧЖ	- 0,523 фоиз ёки 301 167 962,5 сўм.
- “Карвон” ф/х	- 0,105 фоиз ёки 60 971 163,96 сўм.
- Нафетдинов Шавкатулло Шукурович	- 0,008 фоиз ёки 4 382 787,24 сўм.
- Саломова Мохира Холиқовна	- 0,004 фоиз ёки 2 094 429,29 сўм.
- Тўраев Азизбек Баҳодирович	- 0,033 фоиз ёки 19 237 720,95 сўм.
- Иноятов Аҳмад Азизович	- 0,007 фоиз ёки 3 878 572,77 сўм.
- Нафетдинов Комилжон Шавкатуллоевич	- 0,002 фоиз ёки 1 279 929,01 сўм.
Жами:	- 100 фоиз ёки 58 096 294 207,05 сўм.

3.2. Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, иштирокчиларнинг Жамият устав жағармасидаги улуши сифатида пуллар, қимматли қоғозлар, бошқа ашёлар ёки мулк ҳуқуқлар ёхуд шахсий номулкий ҳуқуқлар бўлиши мумкин. Учинчи шахслар томонидан иштирокчиларнинг Жамият устав жағармасидаги пул кўринишида бўлмаган улушларини пул қийматида баҳолаш ва Жамиятга қабул қилиш барча иштирокчилар томонидан бир овоздан қабул қилинадиган Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланади.

3.3. Жамиятнинг устав фондидаги Иштирокчиларнинг улушлари пул ва асосий воситалар билан киритилади.

3.4. Жамият давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин бир йил давомида Иштирокчиларнинг ҳар бири устав фондидаги улушини тўлиқ киритади ва бу ҳақда рўйхатдан ўтказувчи органга маълумот бериши лозим.

4. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ УЛУШНИ КИРИТИШ БЎЙИЧА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИКЛАРИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

4.1. Улушини тўлиқ киритмаган Иштирокчи Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича ўз улушининг тўланмаган қисмининг доирасида солидар жавобгар бўлади.

5. ДАРОМАД ВА ЗИЁНЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ШАРТЛАРИ ВА ТАРТИБИ

5.1. Жамиятнинг бюджетга ва бюджетдан ташқари жағғармаларга қонун билан белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаганидан кейин олинган соф фойда Иштирокчилар ўртасида уларнинг устав фондидаги улушларига мутаносиб равишда тақсимланади.

5.2. Соф фойда оралиқ давр якунлари бўйича ҳар чоракда, ярим йилда бир марта, йилига бир марта тақсимланиши мумкин. Соф фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

5.3. Иштирокчилар Жамият фаолияти билан боғлиқ бўлган зиёнларни ўз улушларининг қиймати доирасида қоплайдилар. Улушини тўлиқ киритмаган Иштирокчи Жамиятнинг мажбуриятлари бўйича ўз улушининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўлади.

5.5. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижасида юзага келадиган зиёнлар ушбу мақсадлар учун ташкил этиладиган захира фонди ҳисобидан қопланади.

5.6. Захира фонди Жамият устав фондининг 15% миқдорида шакллантирилади.

6. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

6.1. Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилар:

- Иштирокчиларнинг умумий йиғилиши;
- Бош директор.

6.2. Иштирокчилар умумий йиғилишининг ваколатлари (шу жумладан мутлақ ваколатлари), чақириш, кўриб чиқиш масалаларни киритиш, қарорлар қабул қилиш тартиби ва муддатлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари ва Жамиятнинг устави билан белгиланади.

6.3. Директорнинг ваколатлари, муддати, жавобгарлиги ва фаолият юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Устав, Директор ва Жамият ўртасидаги меҳнат шартномаси, бошқа локал норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

7. ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ЖАМИЯТДАН ЧИҚИШ ТАРТИБИ

7.1. Иштирокчи бошқа Иштирокчиларнинг розилигидан қатъий назар ҳар қандай вақтда Жамиятдан чиқиб кетиши мумкин.

7.2. Жамиятдан чиқиб кетган ёки чиқариб юборилган Иштирокчининг улуши Жамиятга ўтади. Бундай ҳолда Жамиятдан чиқариб юборилган ёки чиқиб кетган Иштирокчига унинг улушининг ҳақиқий қийматини ёки Иштирокчининг розилиги билан, устав фондидаги бошқа таъсисчиларнинг ҳар қандай активларидан ташқари, шундай қийматдаги мол-мулкни натура, моддий қимматликлар ҳолида тўлаши шарт. Жамиятга ўтган улуш бир йил мобайнида бошқа Иштирокчиларнинг қарори билан учинчи шахсларга берилиши ва/ёки сотилиши лозим.

7.3. Иштирокчиларнинг Жамият устав фондидаги улушининг меросхўрларга (қонун бўйича қонуний ворисларга) ўтиши фақатгина бошқа Иштирокчиларнинг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Низо ва келишмовчиликлар Иштирокчиларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари, Таъсис шартномаси ва Уставга асосан ҳал қилинади.

8.2. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар Ўзбекистон Республикасининг суд органлари орқали ҳал қилинади.

9. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур таъсис шартномаси Жамият Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

9.2. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмаган масалалар, қонунда бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, жамият Уставига мувофиқ тартибга солинади.

ИШТИРОКЧИЛАР:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги
Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси вакили.

- “Бухоро глобал мега текс” МЧЖ

- “Карвон” ф/х

- Нафетдинов Шавкатулло Шукурович

- Саломова Мохира Холиқовна

- Тўраев Азизбек Баходирович

- Иноятлов Ахмад Азизович

- Нафетдинов Комилжон Шавкатуллоевич